

А Ж Р И М

2022 йил 28 ноябрь

Нукус шаҳри

Қорақалпоғистон Республикаси суди жиноят ишлари бўйича судлов ҳайъатининг апелляция инстанцияси ўз биносида, очиқ суд мажлисида, раислик қилувчи ушбу суднинг судьяси С.Давлетмуратов,

судлов ҳайъати судьялари: Л.Отегенова ва Д.Разовлардан иборат таркибда,

судья катта ёрдамчиси Р.Бекмуратованинг котиблигида,

Қорақалпоғистон Республикаси прокуратурасининг бўлим прокурори Т.Бекмуратов,

жиноий жавобгарликдан озод қилинган ХХХва унинг ҳимоячиси адвокат Т.Қалендеровнинг иштирокида,

жиноят ишлари бўйича Нукус шаҳар судининг 2022 йил 7 ноябрь ажрими устидан жиноий жавобгарликдан озод қилинган ХХХтомонидан берилган хусусий шикоятга асосан ишни апелляция тартибда кўриб чиқиб, қўйидагиларни

а н и қ л а д и :

Жиноят ишлари бўйича Нукус шаҳар судининг 2022 йил 7 ноябрь кунги ажрими билан жиноят ишлари бўйича Нукус шаҳар судининг 2022 йил 20 июндаги ҳукмига жиноий жавобгарликдан озод қилинган ХХХ апелляция тартибда шикоят бериш муддатини тиклаш ҳақидаги илтимосномасини қаноатлантириш рад этилган.

Жиноий жавобгарликдан озод қилинган ХХХхусусий шикоятида, суднинг шикоят бериш муддатни тиклашни рад этиш ҳақидаги ажримини бекор қилиб, апелляция шикояти бериш муддатини тиклашни сўраган.

Апелляция инстанцияси, иш бўйича судьянинг маърузасини, тарафлардан прокурорнинг шикоятни рад қилиш, ХХХва унинг ҳимоячи адвокатининг хусусий шикоятни қаноатлантириш ҳақидаги фикрларини, шикоятда келтирилган важларга тегишли баҳо бериб, иш ҳужжатларини тафтиш қилиб, қўйидагиларга асосан хусусий шикоятни қаноатлантиришни лозим топади.

Ўзбекистон Республикаси ЖПКнинг 97⁵-моддасига кўра, ҳукм устидан шикоят бериш ёки протест билдириш муддати узрли сабабларга кўра ўтказиб юборилган ҳолларда апелляция шикояти ёки протести бериш ҳуқуқига эга бўлган шахслар ҳукм чиқарган судга муддатни тиклаш сўралган илтимоснома билан мурожаат қилиши мумкин. Зарур ҳолларда, бу масала илтимоснома берган шахснинг иштирокида ҳал қилинади.

Суднинг ўтказиб юборилган муддатни тиклашни рад этиш



тўғрисидаги ажрими устидан апелляция инстанцияси судига хусусий шикоят (протест) берилиши мумкин бўлиб, у мазкур ажримни бекор қилишга, ўтказиб юборилган муддатни тиклашга ва апелляция шикояти (протести) бўйича ишни кўришга ёхуд ишни ҳукм чиқарган судга ушбу Кодекс 497⁶-моддасининг иккинчи қисмида назарда тутилган талабларни бажариш учун юборишга ҳақли, деб кўрсатилган.

Судлов ҳайъати, шу сабабли жиноят ишлари бўйича Нукус шаҳар судининг 2022 йил 7 ноябрь кунги ажримини бекор қилиб, ХХХ апелляция тартибида шикоят бериш муддатини тиклаш ҳақидаги илтимосномасини қаноатлантиришни лозим топади.

Судда аниқланган ҳолатларга кўра, ХХХбиринчи инстанция суди томонидан Ўзбекистон Республикаси ЖК 65-моддасининг 2-қисмига асосан айбдорлик масаласи ҳал қилинмасдан туриб жиноий жавобгарликдан озод қилиш бўйича ёзма равишда аризаси олинмаганлигини, ўзини айбсиз деб оқлашни сўрашини, сабаби ушбу жиноятга дахли йўқлигини, шунингдек, соғлиги ёмонлиги, 2-гуруҳ ногирони эканлиги, қандли диабет касаллиги билан руйхатда туришини, шу соғлиги сабабли ўз вақтида апелляция тартибида шикоят келтира олмаганлигини билдириб, апелляция тартибида шикоят бериш муддатини тиклаб беришни сўради.

Ўзбекистон Республикаси ЖПКнинг 84-моддаси 5-қисмининг 1-бандида “Жиноят иши қуйидаги ҳолларда шахснинг розилиги билан унинг айблилиги ҳақидаги масалани ҳал қилмай туриб тугатилиши мумкин, башарти: ишни тергов қилиш ёки судда кўриб чиқиш пайтига келиб, қилмиш ижтимоий хавфлилик хусусиятини йўқотган ёхуд вазият ўзгариши оқибатида бу шахс ижтимоий жиҳатдан хавфли бўлмай қолган деб эътироф этилса... деб кўрсатилган.

Яъни биринчи инстанция суди томонидан Ю.Киятбаевни Ўзбекистон Республикаси ЖК 65-моддасининг 2-қисмига асосан айбдорлик масаласи ҳал қилинмасдан туриб жиноий жавобгарликдан озод қилиб, Ўзбекистон Республикаси ЖПКнинг 84-моддаси 5-қисмининг 1-бандига асосан ҳаракатдан тугатишда Ю.Киятбаевнинг розилиги олинмасдан ажрим чиқарилган.

Юқоридагиларга асосан ва Ўзбекистон Республикаси Жиноят процессуал кодексининг 423,497⁵-моддаларига амал қилиб, суд

а ж р и м қ и л д и :

Жиноят ишлари бўйича Нукус шаҳар судининг 2022 йил 7 ноябрь кунги ХХХ ўзига оид апелляция тартибида шикоят бериш муддатини тиклаб беришни рад этиш ҳақидаги ажрими бекор қилинсин.

Ю.Киятбаевга оид жиноят ишлари бўйича Нукус шаҳар судининг 22 йил 20 июнь кунги ажримини қайта кўриб чиқиш бўйича келтирган



апелляция аризаси бериш муддати тиклансин.

XXXX апелляция тартибида шикоят бериш муддатини тиклаш
ҳақидаги илтимосномаси тўлиқ қаноатлантирилсин.

Раислик қилувчи

С.Давлетмуратов

Ҳайъат судьялари

Л.Отегенова

Д.Разов

Ажрим нусҳаси аслига тўғри:

Д.Разов

